

ЎСМИРЛАРДАГИ НЕЙРО РЕСПИРАТОР СИНДРОМНИ ДИАГНОСТИК БАХОЛАШ.

Эрнаева Гуласал Ҳазратовна PhD

Қарахонова Сарвиноз Алишеровна PhD

Тошкент давлат тиббиёт университети, Тошкент, Ўзбекистон

Аннотация: Ушбу мақола ўсмирларнинг вегетатив статусдаги ўзгаришлар, психоэмоционал сферасидаги бузилишларни таҳлил қилишга қаратилган.

Калит сўзлар: тиббий-психологик сўровнома, психоэмоционал ҳолат, вегетатив статус, психодиагностика.

Маълумки, ўсмирларда, айниқса 14-17 ёш оралиғидаги ўсмирларда ўткир ва сурункали сиқилишлардан сўнг кузатилади. Бу хуружсимон кечувчи нафас бўғилишидир. Ўткир стресс ва ҳиссий зўриқишлардан сўнг нафас етишмовчилиги, бўғилиш каби ҳолатлар неврозга чалинган беморларда кўп учрайди. Психоген бўғилиш учун ўта хос бўлган симптомлардан бири, нафас чиқаришдан кўра, нафас олишнинг қийинлигидир: улар «тўйиб нафас ололмасликларига, ҳаво ўпкасининг охиригача етиб бормаслигига» шикоят қилишади. Бу ҳолат кейинчалик сурункали тус олиши мумкин ва беморда худди астма касаллигига ўхшаш хуружлар кузатила бошлайди. Бу ҳолат ўсмирларнинг кардиореспиратор тизимининг заҳира фаолиятини таъминлайди. Машғулот жараёнида асосан симпатикотония кузатилади. Шунингдек, кўпгина адабий манбаларга кўра, ўсмирларнинг машғулотдан олдин ҳаддан ташқари машқ қилиши ёки ҳаддан ташқари кучланишда автоном нерв тизимининг симпатик тонусининг ошиши кузатилади [4,5].

Маълумки, асаб тизими заиф бўлган ўсмирларнинг кучли асаб тизимига эга бўлган ўсмирларга қараганда кўпроқ спорт кўрсаткичларини намоиш этадилар. Бу асаб тизими заиф бўлган ўсмирларнинг мотивация, ақл-идрок, ирода каби бошқа психологик фазилатларга нисбатан юқори сезувчанлиги билан изоҳланади ва бу фазилатлар асаб тизимининг кучли ва ўртача кучига нисбатан уларнинг паст кўрсаткичларини қоплайди [7].

Нейро респиратор синдромда психоэмоционал бузилишлар стрессга мослашишнинг ёмонлашувининг дастлабки белгиси бўлиб хизмат қилади, бу эса ишлашнинг пасайишига олиб келади. Заҳира қувватлари тугагач, супрасегментал ва сегментар даражадаги регуляцион вегетатив касалликлар юзага келади, бу кўпинча нейро респиратор синдромнинг шаклланишида патогенетик омил ҳисобланади [8,9].

Тадқиқот мақсади: Ўсмирларда нейро респиратор синдромда психоэмоционал кўрсаткичларини баҳолаш.

Тадқиқот материаллари ва методлар: Тадқиқот ўтказиш мақсадида Тошкент шаҳрида таҳсил олаётган 14-17 ёш оралиғидаги 8-10 синф, 64 нафар ўсмир ўқувчилар жалб қилинди. Текширилувчиларнинг ўртача ёши $15 \pm 2,1$ ёш. Улардан 33 нафари ўғил ва 31 нафари қиз спортчиларни ташкил қилади.

Ўсмирларнинг психоэмоционал статусини баҳолаш ва психоген астмани аниқлаш учун тиббий-психологик анкета, психологик суҳбат, вегетатив статусни баҳоловчи Вейн аникетаси ва “Ўсмирларда психоэмоционал бузилишлар экспресс-диагностикаси” номли психологик шкаладан илмий-тадқиқот ишимизда фойдаланилди.

“Ўсмирларда психоэмоционал бузилишлар экспресс-диагностикаси” номли шкала орқали спортчилардаги мусобақадан олдинги эмоционал ўзгаришларни информатив баҳолаш усули бўлиб синалувчи шахс хусусиятидаги психоэмоционал бузилишларни даражаларини аниқлашга ёрдам беради. Ушбу методика ўзининг нисбатан оддийлиги, самарадорлиги, методикани ишлашга кам вақт сарфланиши, саволларни айнан спортчилар учун юналтирилганлиги ҳамда битта методиканинг ўзида бир нечта эмоционал ўзгаришларни аниқлаш имкони борлиги билан аҳамиятли.

Тадқиқот натижалари ва таҳлиллар. Ўсмирларда тиббий психологик диагностикани психологик суҳбат, психологик анамнез йиғиш ва Вейн анкетасидан бошладик. Маълумки, психоэмоционал бузилишларнинг асоси ҳисобланган вегетатив ўзгаришлар ушбу ҳолатнинг кечишига тўғридан-тўғри таъсир қилади. Иштирокчиларнинг асосий 14 нафарида 43,75% ваготониклар, 12 нафар ўсмирларда 37,05% эутониклар ва 6 нафарида 18,75% симпатотоник ўсмирлар ташкил қилди. Иккинчи гуруҳ иштирокчиларининг эса асосий 15 нафарини 46,87% ини симпатотониклар, 9 нафар ўсмирда эутоник 28,12% ва 8 нафарида 25,01% ваготоник типдаги ўсмирлар ташкил қилди. Тадқиқот натижасидан маълум бўлдики биринчи гуруҳ иштирокчиларининг асосий қисмини ваготониклар яъни парасимпатикатониклар, иккинчи гуруҳ иштирокчиларида эса симпатотониклар устунлиги намоён бўлди. Эутониклар ҳар иккала гуруҳ иштирокчиларида ҳам ўрта даражада номоён бўлган.

Тадқиқот ишимиздаги яна бир методикамиздан ўсмирларда ривожланган психоэмоционал бузилишлар структурасини аниқлашда “Ўсмирларда психоэмоционал бузилишлар экспресс-диагностикаси” шкаласидан фойдаланилганда 1-гуруҳ спортчиларида уч хил даражадаги эмоционал ўзгаришлар борлиги аниқланди, жумладан, (n-18) нафар спортчида енгил даражадаги эмоционаллик ($56,3 \pm 8,9$), (n-10) нафарда ўрта даражадаги эмоционаллик ($31,3 \pm 8,3$) ва (n-4) нафар спортчида эса оғир даражадаги ($12,5 \pm 5,9$) психоэмоционал бузилишлар борлиги аниқланди. 2-гуруҳ ўсмирларда ҳам уч хил даражадаги психоэмоционал ўзгаришлар борлиги аниқланди, жумладан, (n-13) ўсмирларида енгил даражадаги эмоционаллик ($40,6 \pm 8,8$), (n-11) нафарда ўрта

даражадаги эмоционаллик ($34,4 \pm 8,5$) ва ($n=8$) нафар спортчида эса оғир даражадаги ($25,0 \pm 7,8$) психоэмоционал бузилишлар борлиги қайд этилди.

Хулоса. Олиб борилган тадқиқот натижаларидан маълум бўлдики, ўсмирларнинг юқорида кўрсатилган тиббий-психологик диагностика орқали уларнинг психосоматикасида, вегетатив статуси, мусобақадан олдинги психоэмоционал сфераси, мусобақа олди стрессли вазиятларга барқарорлиги эрта босқичларданок диагностика қилиш зарурлиги аниқланилди.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Эрнаева Г.Ҳ. Журнал “Тиббиётда янги кун” № 6 (56) -2023. Спортнинг таэквондо тури билан шуғулланувчиларда мусобақа олди психоэмоционал сферасини диагностик баҳолаш. 285-289 б. ISSN 2181-712X. EISSN 2181-2187.

2. Эрнаева Г.Ҳ. Журнал Доктор ахборотномаси № 4 (112)—2023 Спортнинг таэквондо тури билан шуғулланувчиларда эмоционал сфера бузилишлари ва уларнинг коррекцияси DOI: 10.38095/2181-466X-20231124-68-72 б.

3. Ernaeva G.Kh., Sattarov T.F., Maxamatjanova N.M. Frontline medical sciences and pharmaceutical journal (ISSN – 2752-6712) volume 03 issue 06 pages: 19-27. Diagnostic significance of psychodiagnostic examinations of taekwondo players.

4. Sattarov T.F., Ernaeva G.Kh. Methods for Detecting Psycho-emotional Disorders in Highly Skilled Athletes (Literature Review) American Journal of Medicine and Medical Sciences 2022, 12(5): 570-572.

5. Azizbek Komiljonov, Fozilkhon Shukurullokhonov, Jamshid Kamilov, Gulasal Ernayeva Histology of immune system organs. Modern American Journal of Medical and Health Sciences ISSN (E): 3067-803X. Volume 01, Issue 02, May, 2025.

6. Эрнаева Гуласал Ҳазратовна, Махаматжанова Нодира Махамадамин қизи,

Динмухаммадиева Дилором Рахимжан қизи. Спортчилар саломатлигида мусобақа олди эмоционал бузилишларнинг диққат бузилишлари билан боғлиқлиги . АстаСАМУ №2 (10.1) 2025 ISSN 2181-4155. Ст. 343-346.